

қолган аҳоли сонини кўпайишига сабаб бўлади. Шундай экан, қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратиш ва уни янада ривожлантириш керак. Бунинг учун ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигига фермерлар хежлаштиришдан

фойдаланадилар. Юқорида таъкидланганларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда фермерларга хежлаштириш тўғрисида умумий тушунча бериб, уларни бу жараёнга кўнктириш мақсадга мувофиқ

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Абулқосимов Х. П., Абулқосимов М.Х. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омиллари. – Т.: Иқтисод ва молия, 2015. 2-сон. - 20 б.
2. Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ўйналишлари// Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор ўйналишлари. – Т., 2016. – 10б.
3. OECD (Organisation for Economic Cooperation and Development) расмий сайты маълумотлари: <https://goo.su/RbP06L>
4. Ускова Т.В., Селименков Р.Ю., Анищенко А.Н., Чекавинский А.Н. Продовольственная безопасность региона. – Волгоград, 2014. – 3 с.
5. Найданова Э.Б. Методологические подходы к определению продовольственной безопасности как генеральной цели аграрной политики. // Современные проблемы науки и образования, 2015. – № 1 – 6 с.
6. Балабанов В.С., Борисенко Е.Н. Продовольственной безопасности: международные и внутренние аспекты. – М.: Экономика, 2002. – С. 22.
7. ФАО (Food and Agriculture Organization) расмий сайты маълумотлари <https://www.fao.org/worldfoodsituation/foodpricesindex/ru/>
8. Novoseltseva ON The role of innovations in the economic security of an enterprise. // Regional Bulletin. - 2018. - No. 5 (14). - S. 37-40.
9. Svyatova O.V., Novoseltseva O.N. Food security in the context of economic sanctions. // Regional Bulletin. - 2019. - No. 17 (32). - S. 45-47.



### ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

**Бутабоев Махаммаджон –**

и.ф.д., проф. Фарғона

политехника институти

**Исманов Иброҳим Набиевич –**

и.ф.д., проф. Фарғона политехника институти

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a3](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a3)

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг экологик муаммолари баён этилган бўлиб, ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун Ўзбекистоннинг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси қабул қилиниши моҳияти мақолада асосий масала сифатида ўрганилган. Мақолада «Яшил» иқтисодиёт тушунчасига таъриф берилган, унинг тамоиллари ва асосий ўйналишлари баён этилган. Яшил иқтисодиётнинг самарадорлигини баҳолашнинг асосий босқичлари ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар келтирилган. Ўзбекистоннинг «Яшил» иқтисодиётга ўтишининг аҳамияти тўғрисида хуроса чиқарилди.

**Калим сўзлар:** яшил иқтисодёт, экология, атроф-муҳит, экологик жараён, чиқиндиларни қайта ишлаш, инвестициялар, иқтисодий ўсиш муаммолари, самарадорлик.

### СТРАТЕГИЯ ПЕРЕХОДА УЗБЕКИСТАНА К «ЗЕЛЕНОЙ» ЭКОНОМИКЕ И ЕЕ СУЩНОСТЬ

**Бутабоев Махаммаджон –**

д.э.н., проф. Ферганский политехнический институт

**Исманов Ибрагим Набиевич –**

д.э.н., проф., Ферганский политехнический институт

**Аннотация.** В данной статье описываются экологические проблемы Узбекистана на данный момент, и в качестве основного вопроса в статье была изучена суть принятия стратегии перехода к «зеленой» экономике Узбекистана для решения этих проблем. В статье описана концепция «зеленой» экономики, изложены ее принципы и основные направления. Представлены основные этапы оценки эффективности зеленой экономики и показатели, которые ее характеризуют. Была рассмотрена национальная стратегия перехода Узбекистана к «зеленой» экономике. Был сделан вывод о важности перехода Узбекистана к «зеленой» экономике.

**Ключевые слова:** зеленая экономика, экология, окружающая среда, экологическая ситуация, переработка отходов, инвестиции, проблемы экономического роста, эффективность.

## UZBEKISTAN'S STRATEGY OF TRANSITION TO A «GREEN» ECONOMY AND ITS ESSENCE

DSc., prof. *Butaboev Makhammadjon* -  
DSc., prof. *Ismanov Ibrahim Nabievich* -  
Fergana Polytechnic Institute

**Abstract.** This article describes the environmental problems of Uzbekistan at the moment, and as the main issue in the article, the essence of adopting a strategy for the transition to a «green» economy of Uzbekistan to solve these problems was studied. The article describes the concept of a «green» economy, outlines its principles and main directions. The main stages of evaluating the effectiveness of the green economy and the indicators that characterize it are presented. The national strategy of Uzbekistan's transition to a «green» economy was considered. The conclusion was made about the importance of Uzbekistan's transition to a «green» economy.

**Keywords:** «green» economy, ecology, environment, ecological situation, waste recycling, investments, problems economic growth, efficiency.

**Кириш.** XXI асрнинг бошларидан дунё олимлари «Яшил» иқтисодиёт түғрисида жуда кўп мунозаралар олиб бормоқдалар, у иқтисодий ўсишнинг омиллари, атроф-муҳитга тобора боғлиқ бўлиб қолаётганини ёзмоқдалар[1].

«Яшил» иқтисодиётни шакллантиришга бағишлиган илк илмий тадқиқотлар 1970 йиллардан бошланган бўлиб, 1972 йилда Стокгольмда экологик муаммоларга бағишлиган халқаро конференцияда атроф-муҳитни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган 26 та тамойил ишлаб чиқилди. «Яшил» иқтисодиёт тушунчаси биринчи маротаба 1989 йилда қўлланилган бўлса-да (Blueprint for a green economy, Britain, 1989), унинг мазмун-моҳияти ҳозиргача турлича изоҳланади.

«Яшил» иқтисодиёт концепциясини амалга ошириш буғунги кунда дунё мамлакатларининг стратегик мақсадига айланди. Ушбу масаланинг бошланғич нуқтаси 2015 йилда Парижда ўтказилган БМТнинг иқлим ўзгаришига (исишига) бағишлиган анжуманда 195 та мамлакат иштирокида белгилаб олинган бўлиб, унда глобал исиш даражасини +2 С° да ушлаб туриш сиёсати маъқулланди.

Анжуманда 147 та мамлакат “Яшил” иқтисодиёт режаларини, 147 та мамлакат қайта тикланадиган энергия ресурсларидан фойдаланиш дастурини ва 167 та мамлакат энергия самарадорлигини иқлим ўзгаришига мослаб амалга ошириш учун овоз беришди [2].

Европа Иттифоқи давлатларининг 2020 йилдан ишлаб чиқаришда атмосферага чиқарилаётган ис газларини 20 фоизга камайтириш, энергия ресурсларининг самарадорлигини 20 фоизга ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини 20 фоизга кўпайтириш, транспорт тизимида атмосферага чиқарилаётган CO<sub>2</sub>ни 20 фоизга камайтириш дастурини амалга ошириши Европа иқтисодиётида туб бурилишни вужудга келтирди. АҚШнинг Йель университети 2021 йил 18 майда ўтказган тадқиқотида давлатларнинг “Экологик самарадорлик индекси” (EPI) 32 та мезон бўйича (ичимлик суви сифати, атмосферага ташланаётган CO<sub>2</sub> йиллик

ҳажми, биологик хилма-хиллик, атроф-муҳит тозалиги, чиқиндиларни қайта ишлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш, экологик инфратузилма, ўрмонлаштириш ва ҳоказо) ўрганилганда, қуидагича натижа олинди:

2019 йилда Буюк Британия парламенти мамлакатни 2050 йилгача иссиқхона (парник) ва CO<sub>2</sub> заҳарли автомобиль газларининг атмосферага чиқарилишини 100 фоизга камайтириш (нолга тушириш) түғрисида қонунни қабул қилди. Ушбу қонун бўйича Буюк Британия 2020 йили 1,4 трлн. фунт стерлинг сармояни киритишни режалаштириди. Бу 2020-2050 йиллар давомида ўртача йилига 50 млрд. фунт стерлингни иқлим ўзгаришига мослашиш, CO<sub>2</sub> нинг атмосферага чиқарилишини нолга тушириш, муқобил энергия истеъмолига ўтиш, транспорт воситаларини электрлаштириш, уй хўжаликларини муқобил энергия манбалари истеъмолига ўтказиш, аҳолининг чучук сув таъминотини тўла таъминлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, майший, тижорат ва саноат чиқиндиларини 60 фоизгача қайта ишлаш, 40 фоизини биогазларга айлантириш ва инсон саломатлиги билан боғлиқ соҳаларга сармоя киритишни режалаштирган.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** 2019-2030 йилларда Ўзбекистоннинг “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси муҳим дастурӣ амал ҳисобланади.

“Яшил” иқтисодиётнинг моҳияти ва унга ўтиш концепцияси масалалари Буюк Британиялик иқтисодчи олимлар Д.Пирс ва Э.Барбиерларнинг ““Яшил” иқтисодиёт учун режа (Blueprint for a Green Economy)” номли асарида биринчилар қаторида очиб берилган[3]. О.В.Башорина, И.М.Темкина ““Яшил” иқтисодиётга ўтиш жамиятнинг барқарор ривожланиши, камбағалликни қисқартириш асосидир” деб баҳолашган[4]. А.В.Неверов, Водопьянова ““Яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнида давлат инсон капитали, табиий капитал, ижтимоий капитал, сиёсий капитал ва молиявий капиталларни мувофиқлаштириб фойдаланиш” зарурлигини таъкидлайдилар[5]. Муаллифлар гуруҳи “дунёга

хавф солаётган СО<sub>2</sub> зақарли газлар инқизори зерттегінде" хабар берадилар [6]. "Яшил" иқтисодиётта үтиш учун Россияда жуда катта имконияттар мавжудлиги, яғни Россия ресурслар мамлакаты (табиий бойликлари күп, лекин иқтисодий қашшоқ), иқтисодиётни яшиллаштырыш учун "яшил" инвестициялар керак, яшил тармоқларни молиялаш, янги иш ўринларини барпо қилиш орқали аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мүмкін" деган фикрни иқтисодчи олим Н.Н.Яшалова илгари суради [7]. Иқтисодчи олимлар Н.Пискунов ва Н.В.Пахомов "Яшил" иқтисодиётта үтиш "мусобақа"сида Швеция, Жанубий Корея ва Япония давлатлари етакчilik құлмоқда" деб таъкидлайдилар[8].

Ўзбекистонлик иқтисодчилар А.В.Ваҳобов ва бошқалар "Яшил" иқтисодиётта үтишда Ўзбекистон энергия самарадорлигига эришиш, "яшил" энергия истеъмолига үтиш, ердаги транспортни электрлаштириш, чиқиндиларни оқылона бошқариш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, СО<sub>2</sub> углерод газ чиқиндиларни юмшатыш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва биохилмахилликни сақлаб қолиш" каби масалаларга катта эътибор қаратиш кераклигини таъкидлайдилар [9].

Иқлим ўзгариши құмитаси (СССР) маълумотларига кўра, инвестицияларнинг 40 фоизи энергетика тармоқларига, мамлакатнинг автомобиль паркини электрлаш (электромобилларга үтиш) соҳасига, 24 фоизини уй хўжаликларни иссиқ сув билан тўла таъминлаш, аҳолини табиий газ ва тоза чучук сув билан таъминлаш, аҳоли пунктларининг муқобил энергия манбаларидан фойдаланишини (шамол ва сув энергия манбаларидан) яхшилаш учун 253 млрд. фунт стерлинг сармоя киритилди. Аҳолининг тўла бандлигига эришиш ва «Яшил» иқтисодиёт тармоқларига 2,5 миллион ишчи-мутахассисларни тайёрлаб бериш зарур. Масалан, газ қозонларida ишлаётган муҳандислар ўрнига мос келувчи иссиқлик насосларида ишлаш учун мутахассислар тайёрлаш зарурати мавжуд ёки бензин билан ишлайдиган автомобилларни электр транспорт воситаларига ўтказиш жараёнида мутахассисларни қайта тайёрлаш, углеродни кўп истеъмол қилувчи саноат корхоналарини қисқартириш каби соҳаларга инвестициялар киритилмоқда.

Буюк Британия саноати ҳозир ҳам нефть, газ ва кўмирга боғлиқ, шунинг учун бу соҳада жуда чиқинди кўп. Буюк Британиянинг Йоркшир ва Гумбер шаҳарларида углеродни кўп истеъмол қилувчи корхоналар жойлашган. Мидлендс ҳудудида қазилма ёқилғилар (кўмир, нефть) кўп ишлаб чиқарилади, шунинг учун бу ҳудудларда СО<sub>2</sub>, иссиқхона газларининг атмос-

ферага чиқарилиши жуда юқори бўлиб, мамлакатда учинчи ўринда туради.

Шотландияда қайта тикланувчи энергия инфратузилмаси яхши ривожланган ва "яшил" иш ўринлари улуши 11 фоизга тенг. Буюк Британиянинг яшил ўсиш бўйича етакчиси ҳисобланади.

Уэльс шаҳрида ҳам "яшил" ўсиш имкониятлари ривожланган. "Яшил" иқтисодиёт тадқиқотлари учун ҳар бир фуқарога ўртача 251 фунт стерлинг сарфланмоқда. Лондонда "яшил" ўсиш имкониятлари чекланган. Масалан, шаҳарда электр транспортларини зарядлаш пунктлари (ҳар 100 минг аҳолига 70 та) энг катта зичлиқда бўлса ҳам эҳтиёждан орқада қолмоқда. Шимолий Ирландиянинг "яшил" ўсиш индекси Лондоннидан юқори.

Шимолий Англияда энергетика сектори ва автомобиль саноати кучли имкониятларга эга. Шарқий Англия Буюк Британия учун билим, илм-фан етакчиси бўлиб, "яшил" иқтисодиёт тармоқларига малакали кадрлар тайёрлаб беради.

Шарқда Буюк Британиянинг барча ҳудуд ва миңтақаларига нисбатан 2020 йилда ҳар бир аҳоли учун 1000 фунт стерлингдан маблағ сарфланди. Англиянинг шарқида уй хўжаликларининг деярли 20 фоизи қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланади. Лекин Шарқий Англияда транспортдан чиқадиган чиқиндиларнинг энг юқори кўрсаткичлари мавжуд, 100 минг аҳолига атиги 21 та электрмобилларнинг зарядлаш пунктлари тўғри келади. Шу билан бирга, Шарқий Англияда иссиқхона газларининг атмосферага чиқишини ноль даражага тушириш учун 50 фоиз кадрларни қайта тайёрлаш керак бўлади. Шарқий Англияда тоза энергия бўйича (шамол, денгиз шамолига) кўплаб инвестициялар киритиш зурур.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолани ёзишда қуйидаги метод ва усувлар қўлланилди: тизимли ва омилий таҳлил, функционал ва қиёсий таҳлил, ахборотни қайта ишлашнинг усувлари.

**Таҳлил ва натижалар.** Лондон шаҳри учун иссиқхона газларининг (СО<sub>2</sub>)ни нолга тушириш имкониятлари кўп, чунки Лондонда асосан хизмат кўрсатиш, сервис иқтисодиёти ривожланган.

Лондон Англия ЯИМнинг 24 фоизини, ишчи-хизматларнинг 17 фоизини ва Буюк Британия аҳолисининг 13 фоизини, турли хил чиқиндиларнинг 9 фоизини ташкил қиласди.

2019 йилда Мидлендс шаҳрида автомобиль ишлаб чиқарыш саноатида 61 минг ишчи ходим ишлайди ва бу шаҳарда электр транспортини ривожлантириш учун инвестициялар киритиш зарур.

Мидландс Буюк Британия учун муҳим энергия ишлаб чиқарувчи марказ ҳисобланади. Шунинг учун саноатда банд бўлган ходимларни қайта ўқитиш, уларнинг малакасини оширишда катта инвестицияларни киритиш талаб қилинади. Шимолий Британияда муҳим автотранспорт ишлаб чиқариш саноати мавжуд, бу ерда 1 млрд. фунт стерлинглик электр автомобиль марказини қуриш режалаштирилган, бу эса 1650 та янги иш ўринлари пайдо қиласди. Ҳукумат 100 миллион фунт стерлинг маблағни электр аккумляторлари таёrlаш заводини қуришга сарфлади.

Шимолий Ирландияда йирик саноат кластерлари мавжуд эмас, ишлаб чиқариш қазилма ёқилғига боғлиқ. Бу ерда қишлоқ хўжалиги муҳим тармоқ ҳисобланади ва шимолий ҳудуднинг 25 фоизини эгаллади. Тижорат ва саноат чиқиндилари Буюк Британия чиқиндиларининг 10 фоизини ташкил қиласди. Шимолий Ирландияда электр транспорт воситаларини зарядлаш пунктлари ҳар 100 минг аҳолига 17 та тўғри келади. Ирландияда иккита батарея сақлаш маркази бор бўлиб, умумий қуввати 100 МВтга тенг.

Шотландияда “яшил” иқтисодиёт тақдим этаётган имкониятлардан тўла фойдалана олади. 2045 йилга бориб, иссиқхона ва CO<sub>2</sub> газларининг атмосферага чиқишини ноль даражага олиб келади. Мамлакатда 2022 йили 21 минг “яшил” иқтисодий иш ўринлари мавжуд эди.

Шотландия Буюк Британиянинг бошқа ҳудудлари орасида шамол энергиясидан фойдаланиш учун гидроэнергетика жуда ривожланган, энергетикани янада ривожлантиришда кучли салоҳият мавжуд. Шотландия Буюк Британиянинг қазиб олинадиган ёқилғи саноати учун асосий марказдир. Шотландияда бундан ташқари чорвачилик яхши ривожланган, ерлари жуда ҳосилдор.

Шотландияда ҳар бир фуқаро учун ўртacha 444 фунт стерлинг сармоя киритилган. Уэльс (Wels) шаҳрида углеродни кўп истеъмол қилувчи 10 та саноат корхонаси ишлаб турибди, булар жуда кўп миқдорда углерод оксиди CO<sub>2</sub> ни атмосферага чиқаради, чиқиндилар нормаси юқори, ҳар бир аҳолига ўртacha 2 кг дан тўғри келади.

Уэльс “яшил” иқтисодиёт учун кадрлар захираси бўйича Шотландиядан кейинги иккинчи ўринда туради. Уэльс Буюк Британиянинг қуруқлиқдаги шамол энергетикаси бўйича энг муҳим ҳудуди бўлиб, қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқарувчи объектдир.

Уэльсда автомобилсозлик саноати яхши ривожланган, Япониянинг “Toyota” заводи билан биргалиқда двигатель ишлаб чиқаради. Автомобилларни электрлаштиришга катта сармоялар киритилган.

Уэльсда уй хўжаликлари қайта тикланувчи энергия манбаларидан атиги 5-6 фоизи фойдаланади, ҳар бир аҳоли учун 251 фунт стерлинг маблағ киритилган, бу мамлакат бўйлаб жуда паст кўрсаткич бўлиб, 80 фоиз уй хўжаликлари табиий газ ва иссиқ сувга уланмаган.

Уэльсда оғир саноат ва энергетика соҳала-рига углерод газларини кам чиқарувчи, бу газларни бошқа маҳсулотга айлантирувчи рақамли технологияларни жорий қилишни йўлга қўймоқда. 2040 йилга бориб, атмосферага чиқаётган CO<sub>2</sub> заҳарли газларни нолга тенглаштириш режасини тузган.

Уэльсда майший, тижорат ва транспорт чиқиндилари жуда кўплиги ва уларни қайта ишлаш учун 12 та минизавод қуришни бошлади, улар 2022 йилдан чиқиндиларни қайта ишлашини бошлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, атмосферага CO<sub>2</sub> газни чиқарувчи ҳудудлар:

1. Шимолий Ирландия.
2. Уэльс.
3. Йоркшир ва Гумбер.
4. Шотландия.
5. Шимолий ҳудудлар.
6. Мидландс.
7. Жанубий-Шарқий.
8. Жанубий-Фарбий.
9. Шарқий Англия.
- 10.Лондон.

Шимолий Ирландия саноатлашган ҳудуд бўлгани, уй хўжаликлари газга уланмагани, кўмирдан фойдаланиши, кўмир, газ, нефтни кўп истеъмол қилувчи саноат корхоналарининг кўплиги, қуруқлиқдаги автомобиль паркларининг тўла электрлашганлиги, етакчи мутахассис кадрларнинг танқислиги ва ҳоказо сабабли иссиқхона ва CO<sub>2</sub> газларини атмосферага чиқариш бўйича Буюк Британияда биринчи ўринни эгаллаb туради.

Буюк Британияда қуйидаги соҳалар ривожланган:

1. Боғдорчилик ва чорвачилик, овчилик ва хизмат кўрсатиш фаoliyati.
2. Хом нефть ва табиий газ қазиб олиш.
3. Кокс ва нефти қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
4. Кимёвий моддалар ва кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш.
5. Минералларни ишлаб чиқариш.
6. Металл ва рангли металларни ишлаб чиқариш.
7. Электр энергияси: газ, буғ ва кондиционер ишлаб чиқариш.
8. Чиқиндиларни йиғиш, тозалаш ва утилизация қилиш, қайта ишлаш, улардан маҳсулот олиш.
9. Логистика.

### 10. Ҳаво транспорти.

Буюк Британиянинг саноат корхоналари, транспорт воситалари, уй хұжаликлари, тијорат соҳаларидан иссиқхона ва углерод оксиди CO<sub>2</sub> газларини атмосферага чиқариши бүйича худудлар ўрни:

1. Шимолий Ирландия.
2. Уэльс.
3. Йоркшир ва Гумбер.
4. Шотландия.
5. Шимолий Англия.
6. Мидлендс.
7. Жанубий-Гарбий Англия.
8. Шарқий Англия.
9. Жанубий-шарқий Англия.
10. Лондон шу тартибда ўрин олган.

Саноат ва тијорат соҳаларидан чиқаётган чиқиндилаар бүйича (2020 йил) қуйидаги ҳолат мавжуд: Уэльс, Йоркшир ва Гумбер, Шимолий Ирландия, Шотландия, Мидлендс, Жанубий-гарбий, Шарқий Англия, Жанубий-шарқий Лондон шаҳри бўлиб, бу ҳолда уй хұжаликлари ва хизмат соҳалари фаолияти катта роль ўйнайди.

Транспорт чиқиндилаар бүйича (2020 йил): Шарқий Англия, Шимолий-шарқий Англия, Шимолий Ирландия, Мидлендс, Шарқий-гарбий Англия, Шотландия, Уэльс, Йоркшир ва Гумбер, Лондон шаҳри бўлиб, бу ҳолат автомобиль инфратузилмасининг фаолиятига боғлиқ.

“Яшил” фанлар (технология, мұхандислик, математика, физика) Олий ўқув муассасаларида таълим олаётган талабалар бүйича (2019-2020 ўқув йили): Шотландия, Уэльс, Лондон, Мидлендс, Шарқий-гарбий Англия, Йоркшир ва Гумбер, Шимолий Англия, Шимолий Ирландия (Буюк Британия Олий таълим статистика агентлигининг маълумотлари).

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бүйича (2020 йил): Гарбий-шарқий Англия, Шотландия, Уэльс, Мидлендс, Шарқий Англия, Йоркшир ва Гумбер, Шимолий Англия, Лондон, Шимолий Ирландия. Бу ерда биз шамол энергияси, гидроэнергетика энергияси ва қуёш энергия манбаларидан фойдаланиш ҳолати билан танишдик.

Электр транспорт воситаларининг зарядлаш пунктлари (2020 йил) бүйича: Лондонда - 68 та, Шотландияда - 40 та, Шарқий-гарбий Англияда - 31 та, Уэльса - 25 та, Шимолий Англияда - 27 та, Мидлендса - 21 та, Шарқий Англияда - 20 та, Йоркшир Гумберда - 19 та, Шимолий Ирландияда - 16 та, бу ерда кўриниб

турибдики, электромобилларни зарядлаш пунктлари кўп. Лондон шаҳрида 68 та зарядлаш пунктлари фаолият юритади. Энг оз зарядлаш пунктлари Шимолий Ирландияда - 16 та [10].

Буюк Британия учун “Яшил” иқтисодиётга ўтища жуда кўп муаммолар ўз ечимини кутмоқда:

- иқтисодиётини “яшил”лаштириш;
- “Яшил” корхоналарни шакллантириш;
- ишлаб чиқаришга “яшил” актехнологияларни кенг жорий қилиш;
- саноат корхоналари инфратузилмасига экологик тоза ахборот технологияларини татбиқ этиш;

- ходимларнинг “яшил” индустрисиал компьютерлардан фойдаланишини таъминлаш.

“Яшил” интернет тармоғида маълумотларнинг узатиш протоколи (технология low power idle) электр энергия истеъмолини 75 фоизгача тежайди. Мамлакатда “яшил” корхона моделини шакллантириш иқтисодиётни самардорликка олиб чиқади, экологик тоза “яшил” маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиради. Шу билан биргаликда, “яшил” иқтисодиёт учун мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларни “яшил” корхона талабларига мослаштириш зарурати туғилади.

Буюк Британиянинг парник газлари атмосферага чиқарилишини нолга олиб борадиган йўли ҳали тўлиқ аниқланмаган ва шу билан мамлакат корхоналари “яшил” маҳсулотлар ва хизматлар савдоси учун глобал бозорни қайдаражада эгаллаши ҳам ноаниқ бўлиб туребди.

Дания 82,5, Люксенбург 82,3, Швейцария 81,5, Бирлашган Қироллик 80,3, Франция 80,0, Австрия 79,6, Швеция 78,7, Норвегия 77,7, Германия 77,2, Испания 74,3, Нидерландия 75,3, Бельгия 73,5, Ирландия 72,8, Исландия 72,3, Словения 72,0, Чехия 72,0 Италия 71,0, Мальта 70,7, Греция 69,3, Словакия 68,3, Португалия 67,0, Израиль 65,8, Эстония 65,3, Кипр 64,8, Руминия 64,7, Венгрия 63,7, Хорватия 63,3, Литва 62,8, Латвия 61,6, Польша 60,9 балл олган.

Энг тоза иқлим, табиат ва атроф-муҳит бүйича Япония 75,1, Австралия 74,9, Янги Зеландия 71,3, Жанубий Корея 66,5, Сейшел ороллари 58,2, Сингапур 58,1, Тайвань 57,2, бўлиб, бу давлатларда тоза ҳаво, иқлим, гўзал табиат биохилма хиллик (қуёш, қум, сув) бўлгани учун у ердаги жаннат номини олди[11].

“Яшил” иқтисодиётга ўтишнинг жаҳон тажрибаси, яшил иқтисодиётга ўтиш тамойиллари, механизмлари тўғрисида хорижий олимлар В.Рихтер, К.Малышков, А.Ришалова, Н.В.Пахамов, Т.П.Пискулов ва ўзбек олимлари А.В.Вахабов, Н.М.Махмудов шуғулланган ва “яшил” иқтисодиёт ривожланишидаги умумий тенденцияларни ёритиб беришган;

- 2050 йилга бориб сайёрамиз аҳолиси 9 млрд. га боради;
- глобал иқтисодиётниң юз беради;
- энергия ресурслар, хомашё, озиқ-овқат маҳсулотлари баҳоси 40-50 фоизгача ошади ва турли хил инқирозлар вужудга келади;
- атроф-муҳит ифлосланади, йилига 11 млн. гектар ўрмонлар кесилади, экотизимлар бузилади, биохилма-хиллик камаяди ва тупроқнинг табиий унумдорлиги пасаяди;
- экологик қочоқлар вужудга келади;
- ичимлик суви ҳажми 60-70 фоизга камаяди;
- 2030 йилда сайёрамиз аҳолисининг 47 фоизи ичимлик суви етишмаслигидан азоб чекади;
- Ер шари заҳарли чиқиндиларга тўлиботишиб, “кўмилиб” қолади.

Бўлиб ўтган иқтисодий, экологик ва молиявий инқирозлар дунё иқтисодиётини боши берк йўлга олиб келди. Чунки анъанавий иқтисодиётнинг бирдан-бир мезони пул эди, бу иқтисодиётда экологик омил – ер инкор этилган эди. Чунки инсон табиат устидан хукмронлик қилган ва табиий ресурслардан тижорат мақсадида очкўзларча фойдаланилган. Бунинг оқибатида жамиятда бозор муносабатлари ҳало-катга учради. Самарасиз давлат сиёсати олиб борилди, инфратузилмалар ишдан чиқди. Ишсизлик, камбағаллик муаммолари вужудга келди. Кўп мамлакатлarda ўрмонларнинг кесиб юборилиши (айниқса, арчазорлар, кедр ўсимликларнинг, йилига 10-13 млн. га яқин ўрмонзорлар кесилмоқда) ЭКО мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда (БМТ ҳисоботида айтилишича ҳар йили ҳавонинг ифлосланишидан 2,4 млн. киши вафот этади), дунёда 7 трлн. доллар йўқотилмоқда. Бу иқтисодий йўқотишнинг 35 %и йирик 3000 та энергетик компанияларга тўғри келмоқда.

«Яшил» иқтисодиётнинг уч таркиби: социал-ижтимоий, табиий (атроф-муҳит), иқтисодий (озиқ-овқат, кийим-кечак ва хизмат кўрсатиш) томонларини ҳисобга олсақ, ҳозирга келиб чекланган иқтисодий ресурслар шароитида тўхтовсиз, чексиз ўсиб бораётган жамият эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириб бўлмаслиги ер устидаги бутун борлиқ бир-бири билан боғлиқ эканлиги, ривожланган, ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар иқтисодиётida туб таркибий ўзгаришларни кўрамиз. “Яшил” иқтисодиётда табиат ва инсон бир-бири билан боғлиқ, ажралмас омиллар деб қаралади.

Инсон табиатнинг бир қисми, бир бўлаги, у ўзича яшай олмайди. Ҳозирда экологик касалланиш туфайли тобора боласизлик (ҳатто соғлом ота ва она, лекин фарзандсиз) ривожланиб

бормоқда, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, чиқиндиларнинг кўплиги, радиоактив моддалар, электромагнит нурлари, электромагнит нурланиш, баъзи бир озуқавий биоқўшимчалар инсонда мутаген ҳолатни вужудга келтирмоқда (злакачественный опухоль). Кўп қаватли уйларда яшаш, доимий яшаш оқибатида инсонларда иммунитетнинг пасайиб кетиши, ичилаётган сувларнинг сифатсизлиги, ҳавонинг заҳарланиши, шовқин-суронлар, яшаш шароитларининг ёмонлашуви ҳёт тарзига таъсир қилмоқда.

«Яшил» иқтисодиёт тушунчаси халқаро ташкилотлар ЮНЕП, ЮНЕСКО берган таърифларга кўра, иқтисодиётни соғломлаштириш, заҳарли чиқиндиларни камайтириш, уларни қайта ишлаш, сув ҳавзалари ифлосланишининг олдини олиш, автомобилларни суюқ газ, биотопливага ўтказиш, қўёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш асосида миллий даромадни барқарор ўстириш ва халқ фаровонлигини таъминлаш мумкин. Ўзбекистоннинг «Яшил» иқтисодиётга ўтиши ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Чунки жуда кўп турдаги табиий ресурсларимиз 15-20 йиллар ичida (табиий газ, кўмир) ишлатиб бўлинади. Ҳатто, бугунги кунда нефть ресурслари (Ўзбекистон йилига 1 млн. 300 минг тонна бензин истеъмол қиласи) ишлатиб бўлинди. Сув ресурслари лимити 53,5 млрд. метр куб бўлиб, мутахассисларнинг ҳисобича, 68 млрд. метр куб бўлиши керак. Акс ҳолда, буғдои ва пахта экин ерларини қисқартиришга тўғри келмоқда. Давр ер, сув ва энергия ресурсларидан унумли фойдаланиши талаб қилмоқда.

Жанубий Корея лойиҳаси бўйича биоёқилғи ишлаб чиқариш, пластик маҳсулотлардан ENVION OIL GENERATOR мини заводларини қуриш, ҳар тонна пластикадан 3-5 баррел нефть олиш мумкинлиги, бу эса Россия ва Қозоғистондан нефть маҳсулотларини сотиб олишдан кўра 2-3 марта арzon тушади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳар 100 та оиланинг 50 тасида автомобиль бор, шу боис автомобилларни биотопливага ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бир тонна бензинни ёқиши борасида автомобиль атмосферага 600 кг окиси углерод, 40 кг оксилав азот ва 100 кг турли заҳарли углеродлар чиқариб, атмосферадан бир йил давомида 4 тонна кислородни сўриб олади. Авваллари (2000-2004 й.) жамиятда иқтисодий ўсиш барқарор бўлган, шу билан бирга, CO<sub>2</sub> углерод оксиди ва иссиқхона газларининг атмосферага чиқиши ҳам кўпайиб борган, чунки кўп ҳолларда иқтисодий ўсиш табиий ресурслардан чексиз истеъмол қилиши эвазига содир бўлади. “Яшил” иқтисодиёт моделида иқтисодий ўсиш атроф-муҳит, экологияга салбий таъсир этмасдан содир бўлмоқда. Ҳолбуки, “яшил” иқтисодиёт атроф-муҳит, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атмосферага чи-

қарылаётган зақарли газларни қисқартириш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш ҳамда соңаларга инвестицияларни жорий қилишни құллаб-қувватлайды. Шундай қилиб, «Яшил» иқтисодиёт ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигini ошириш (хар бир маҳсулот таннархида энергия харажатларини камайтириш), қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш иссиқхона газлари, CO<sub>2</sub> зақарли газларининг нейтраллашишига әришишdir. Дунёда 2020 йили CO<sub>2</sub> зақарли газларининг ҳавога чиқарилиши 50 млрд. тонна бўлган эди. 2022 йилда 55 млрд. тоннага етди [12].

Германияда чиқиндиларни қайта ишловчи компания HAMOS пластик пакетлар, шишалярдан, яъни 1,5 тонна чиқиндилардан 500 литр ёқилғи оляпти.

«Яшил» иқтисодиёт назарияси қуйидаги уч компонент асосида курилган.

1. Чекланган табий мұхитда иқтисодиёттінг таъсир доираси ва тараққиётни чексиз равища қенгайтириб бўлмайди.

2. Ресурслар чекланган бир шароитда доимий ўсиб борувчи чексиз әхтиёжларни қондириб бўлмайди, шу боис танлов усулидан фойдаланилади.

3. Ердаги барча ҳолат ва тизимлар (шу үринда табий ва иқтисодий мұхит) ўзаро боғлиқ. Бугунги кунда «Яшил» иқтисодиёт назарияси кенг тарқалиб кетишининг асосий сабаби жаҳон иқтисодий инқизорлари ва мавжуд экологик муаммоларнинг глобал аҳамият касб этиши ва «Яшил» иқтисодиёт әхтиёжларини қондириши билан бир қаторда мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилганлигидадир.

Бизга маълумки, иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичида атроф-муҳит, табиат иқтисодиёттінг асосий элементи, омили саналади, лекин «Яшил» иқтисодиёт барқарор ривожланиш асоси бўла олмайди.

Табиат ва иқтисодиёттінг мукаммал мувозанатлашган ўзаро муносабати яшил иқтисодиёт моделида яққол намоён бўлади. Яшил иқтисодиёт кейинги йилларда ривожланиб, иқтисодий-ижтимоий тизимга айланди. «Яшил» иқтисодиёттінг бош вазифаси ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш жараёнларини экологик стандартларга мөсравиша ўзгартыришдан иборат. Бизнес мұхитида «Яшил» иқтисодиёт тушинасига жуда катта эътибор берилмоқда ва молиявий фондлар, йирик капитал эгалари, бизнесменлар ва баъзи давлатларда оддий фуқаролар (масалан, Скандинавия, Сингапурда) «Яшил» иқтисодиёттінг тарғиботчиларига айланган. Мисол учун, дастурларда фойда солиғи 30 фоизгача беш йил давомида пасайтирилган бўлса, Норвегия, Нидерландияда қуёш энергиясини қўшни давлатларга экспорт қилишдан

келадиган йиллик фойда даромаднинг 20 фоизини ташкил қилган. «Яшил» иқтисодиётни ривожлантиришда Япония, Жанубий Корея, Швеция, Сингапур давлатлари лидерлар ҳисобланади.

Япониянинг Panasonic корпорацияси Токио яқинида 1000 та ақлли уйлар қурди. Буннинг эътиборли жиҳати шундаки, атмосферага бу уйларнинг биронтасидан CO<sub>2</sub> углерод оксид гази чиқмайди. Яъни шаҳарчада истеъмол қилинадиган энергия қуёш панелларидан олинади. АҚШда «Яшил» иқтисодиёт соҳасининг пешқадамлари сифатида Google ва Apple компаниялари, Хитойда тўрт юз минг гектарлик экологик бошқариладиган боғ қурилди.

Франция нефть ва газ қазиб чиқаришга лицензия беришни тұхтатди ва 2022 йилдан эса күмирдан электр энергияси ишлаб чиқаришни тұхтатишини билдири. Яшил иқтисодиётта ўтиш жараёнида табий, жисмоний ва инсон капиталининг салоҳияти, самарадорлиги кескин ошади (бу дегани – input effects). Масалан, ўрмон хўжалигининг табиатдаги аҳамияти ошиб кетади, қишлоқ хўжалигига ерларнинг ҳосилдорлиги кўпаяди, инсон капитали жисмоний ва ақлий ривожланади, касалликлар камайиб, соғлиги яхшиланади (атроф-муҳит соғломлашади, заҳарли чиқиндилар камаяди).

Коммунал хўжаликлар, транспорт, энергетика, соғлиқни сақлашга «яшил» инвестициялар фаол кириб келади. Жамият муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга ўтади. «Яшил» инвестициялар инфратузилмаларга жадал сарфланыб, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланади, кўмир, табий газлар ўрнига биоёқилғидан фойдаланишга ўтилади, янги «яшил» иш жойлари кўпаяди, қўшимча даромадлар кўпаяди. Шу үринда Жанубий Корея ЯИМнинг 3 фоизини - 60 млрд. АҚШ долларини «Яшил» тармоқларга киритиб, ягона яшил тўлов карта жорий қилди. Эко, биотовар ва хизматлар истеъмолини рағбатлантириди. АҚШда муқобил энергия истеъмоли 65 %гача кўпайди. Япония иқтисодиётига нефтдан фойдаланиш 40 %гача қисқарди.

Ўзбекистон 2017-2021 йилларда ушбу соҳа лойиҳаларига 1,9 млрд. АҚШ доллары миқдорида инвестиция сарфлади. Умумий қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияларини қуришга 1,1 млрд. АҚШ доллари, 8 та ГЭС ва 13 та кичик ГЕСлап қуриш учун 700 млн. доллар сарфлаш режалаштирилган ва амалга оширилган. Тадқиқотларга кўра, дунёда 1 квадрат метр майдон учун энергия сарфи йилига 12-0-150 квт/соатни ташкил этади. Ўзбекистонда худди шунча ҳажмдаги майдон учун 390 квт/соат энергия сарфланади.

Шуни айтиш керакки, ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш имкониятларидан келиб чиқиб, ўз “яшил” иқтисодиётини яратади, чунки ҳозиргача универсал “яшил” иқтисодиёт модели мавжуд эмас. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш, инновацион тармоқларни ривожлантириш шароитида “яшил” иқтисодиёт ўрнини юқори баҳолаш мумкин. Чунки Ўзбекистонда “Яшил” иқтисодиётга ўтиш имкониятлари катта эканлиги, табиий ресурсларга бойлиги, атроф-мухитга зарар келтирмайдиган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва шу билан бирга, чексиз қуёш энергия манбаи борлигини айтиш мумкин.

Республикада қуёш энергияси бўйича ялпи салоҳияти 50973 млн. тонна нефть эквивалентига тенг бўлса, шамол энергиясининг ялпи салоҳияти 2,2 млн. тонна нефть эквивалентга тенг, деб баҳоланмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда юртимизда яшил энергетикани ривожлантириш, хусусан, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича тизимили ишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда ўтган қисқа 3 йил ичидаги қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича 10 та битим имзоланди.

Таъкидлаш керакки, 2021 йилнинг август ойида Навоий вилоятининг Кармана туманида биринчи 100 МВт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.

Шу билан бирга, жорий йил 1 чорагида Самарқанд вилояти Нуробод туманида иккинчи 100 МВт қувватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилиши режалаштирилган.

Жорий 2022 йилда ҳам қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида йирик ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Бухоро, Наманган, Хоразм, Қашқадарё, Фарғона ва бошқа вилоятларда умумий қуввати 1 900 МВт бўлган 8 та қуёш фотоэлектр станциялари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида умумий қуввати 1 700 МВт бўлган шамол электр станцияларини қуриш учун лойиҳа битимлари имзоланиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, 2023 йилда Самарқанд, Жizzах, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 1 097 МВт бўлган 4 та қуёш фотоэлектр станциялари ва Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро (Фиждувон ва Пешку) ва Навоий вилоятларида умумий қуввати 1 600 МВт бўлган 4 та шамол электр станциялари “яшил” энергия ишлаб чиқаришни бошлайди. Кейинги йилларда “UzSungwoo” МЧЖда қуввати 3,0 квт, Қўйқон ва Боғдод дон маҳсулотлари АЖларда умумий қуввати 8,0 квт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари, Риштон туманидаги “Шимолий Сух” ер ости газ сақлаш омборида

қуввати 0,056 Гкал бўлган қуёш сув иситиш 8 та коллектори ишга туширилди.

Ер юзасига тушүётган қуёш нурларининг ўртача интенсивлиги Европа мамлакатларида 2 Квт/м<sup>2</sup>, Тропик ва Осиё мамлакатларида 6 Квт/м<sup>2</sup> га тенг. Қуёш энергиясини ишлаб чиқариш анъанавий энергия ишлаб чиқаришдан 75 марта қимматлидир. Қуёш радиацияси оқими ҳамда тушаётган энергия тўғрисидаги маълумотлар қуёш кадастри ҳисобланади.

Ўзбекистонда ўртача 300-320 кун қуёшли бўлади. Ҳароратнинг ўртача микдори +42 с ни, кунининг узунлиги 16 соатни ташкил қиласи. Ўзбекистоннинг «Яшил» иқтисодиёт тизимига ўтиш имконияти етарлича манбага эга. Қуёшли кунларнинг кўплиги, биологик ўсимликлар хилма-хиллиги ўринbosар бионефть маҳсулотларини ишлаб чиқаришга моддий база яратиб бермоқда. Дуккакли, бошоқли ўсимликлар (рапс, сояли ўсимлик, маккажӯхори, кунгабоқар, тросянъяк) биотоплива ишлаб чиқариш манбайдир, биотоплива таркибида олtingугурт ва бензол йўқ, этанол даражаси 58 ни ташкил қиласи. Бу ерда табиатнинг ўзи хомашёлар беради, бу ўсимликлар ортиқча меҳнат талаб қилмайди ва қўшимчасига глицерин, сульфат натрия тузи ҳам беради. Ўрмонлар ҳам биоресурс ҳисобланади. Улар чиқиндисидан қаттиқ ва суюқ биотоплива олиш мумкин. Биотоплива ўринbosар энергия манбаи бўлиб, асосан, биологик хомашёлардан олинади (булар суюқ, қаттиқ ва газсимон ёқилғи кўринишида бўлади, булар ўзидан тутун чиқармайди, атроф-мухитни заҳарламайди, тўла ёнади). Демак, биологик ўсимликлар, ўрмонлар, ҳайвонлар ва паррандалар чиқиндисидан ёқилғи ресурслари (биометанол, биоэтанол, биодизель, биогаз ва водород) олишни йўлга қўйиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ИЭСларни қуриш бўйича бир нечта лойиҳага старт берилди. Жумладан: БААнинг “Masdar” компанияси томонидан Навоий вилоятининг Томди туманида қиймати 600 миллион АҚШ доллари бўлган 500 МВт қувватли шамол электр станциясини қуриш бўйича келишувлар имзоланди. Ушбу станция 2024 йилда тўлиқ фойдаланишга топширилгач, йиллик 1,8 миллиард кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқаради ва 1 йилда 546 миллион куб метр табиий газ тежалади. Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси Бухоро вилоятининг Фиждувон ва Пешкў туманларида қиймати 1,3 миллиард АҚШ доллари бўлган 1000 МВт қувватли 2 та ИЭС қуриш бўйича келишув имзоланган бўлиб, ушбу станциялар 2023 йилда ишга туширилгач, йиллик 3,6 миллиард кВт·соат электр энергияси етказиб берилади ва йилига 1,1 миллиард куб метр табиий газ тежалишини таъминлайди. Қорақалпоғис-

тон Республикасининг Беруний ва Қораўзак туманларида қиймати 110 миллион АҚШ долла-ри бўлган 100 МВт қувватли шамол электр станциясини куриш бўйича Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда танлов ўтказилди. "ACWA Power" компанияси 1 кВт·соат электр энергияси учун 2,57 АҚШ центи тариф таклифи билан танлов ғолиби бўлди. Ушбу станция 2023 йилда ишга тушгач, йилига 350 миллион кВт·соат электр энергияси ишлаб чи-қаради ва бир йилда 106 миллион куб метр табиий газни тежайди. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқда, Энергетика вазирлиги шамол энергетикасини ривожлантириш концепциясида белгиланган режаларни муддатидан олдин ба-жармоқда. Натижада 2030 йилга қадар мамлакатдаги ИЭСлар умумий қувватини 5000 МВтга етказиш кутилмоқда. Уларнинг катта қисмини Қорақалпоғистон Республикасида барпо этиш низарда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда электр энергиясидан фойдаланиш жуда қимматга тушаяпти. Бошқа давлатлардан 3-4 марта кўп ишлатамиз. Уни истеъмолчиларга узатиш борасида 23 % энергия йў-қотиляпти, табиий газдан эса 20 % газ ресурслари йўқотиляпти. Энергияни узатиш магистрали 80 % эскирган, талабга жавоб бермайди. Республика иқтисодий тадқиқотлар маркази, муқобил энергия манбалари муассасалари экспертлари фикрича, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш, фотоэлектрстанцияларни ишга солиш асосида 700 мингта янги иш ўринлари яратилиди, бир млн. тонна биоёқилғи ва 400 минг тонна сунъий биоёқилғи ишлаб чиқариш мумкин эканлиги айтилмоқда.

Бразилия биринчилар қаторида биоёқилғидан кенг фойдалана бошлади. Йилига 60 млрд. литр биоёқилғи ва 18,5 млрд. литр биодизель ишлаб чиқармоқда. 2020 йили Бразилия 80 % шаҳар транспортини биоёқилғига ўтказди. Биоёқилғи ишлаб чиқарувчи корхоналарни солиқ тўловларидан озод қилди. Бразилияда биринчилар қаторида "Яшил" университетлар очилди.

Хитой давлати яшил иқтисодиётни ривожлантиришда энг кўп инвестиция сарфлаган, 13-беш йиллик (2016-2020 й.) режасида ишлаб чиқариш тармоқларида кўмир, нефтдан тўла воз кечиб, шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланишга ўтилди. Шу сабабдан 13-“Яшил” беш йиллик номини олди. Экологик талабларига жавоб бера олмайдиган 2 мингта корхона ёпилди. Қуёш энергияси ишлаб чиқарувчи заводлар соликдан озод қилинди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ ҳўжалиги сектори дунёдаги ичимлик сувларини 70 %ини истеъмол қилинмоқда ва чиқиндиларнинг 13 %и (парник газ чиқиндилари) ҳамда ҳозирги ишлаб

чиқариш технологияларидан фойдаланиш туфайли экин ерларининг мелоратив ҳолати ёмонлашяпти, ерлар шўрлашиб, қуруқлашиб қоляпти, биологик ўсимликларни ёввойи ўтлар ва ҳашаротлар босиб кетяпти. Буларнинг натижасида 5-10 млн. қишлоқ аҳолиси атроф-муҳитдан заҳарланмоқда. Ҳар йили 80-100 минг одамлар вафот этмоқда, турли хил касалликларнинг 80 %и сувни истеъмол қилишдан келиб чиқмоқда. Жаҳон банки таҳлилига кўра, Марказий Осиё минтақасининг демографик ўсиши туфайли 2050 йилда 90 миллион киши (30 % аҳоли) сувтанқислигига дуч келади.

Қишлоқ ҳўжалигини яхшилаш, экинзорларни парвариш қилишда табиий ресурслардан кўплаб фойдаланиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, кўпроқ органик маҳсулотларни ишаб чиқариш борасида АҚШ давлати ҳар йили 300 млрд. доллар сарфламоқда, натижада тупроқнинг табиий унумдорлиги ошди, янги агротехник усууллардан фойдаланилди ва пахта, буғдой, маккажӯхори, дуккакли ва бошоқли экинлар ҳосилдорлиги 10-13 % ошди ҳамда ичимлик сувларининг сифати яхшиланди.

Дунё бўйича яшил иқтисодиётнинг саломини баҳолайдиган бўлсак, бугунги кунда АҚШда «Яшил» иқтисодиёт бир трлн. долларлик экологик тоза маҳсулот ва хизматларни тақдим этмоқда. Бу эса АҚШ ЯИМнинг 5 фоизини ташкил қиласи ва бандлик 4 млн. кишига тенг, Японияда мос равишида 4 фоизни ва 2 млн. кишини, Европа Иттифоқи давлатларида 3 фоизни ва 5 млн. кишини ташкил қиласи. Германия кўмири қазиб олишни бекор қилди ва экологик тоза маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилишда етакчилик қилмоқда. Буюк Британия (250 млрд. доллар) ЯИМида яшил иқтисодиёт улуши 9-10 фоизни, унинг экспортдаги улуши 6 фоизни ташкил қилмоқда [13].

2014 йил Лондонда “қуёшли” том ўрнатилди.

АҚШдаги халқаро энергетик агентлиги, экологик жамият мутахассислари фикрича, жаҳон ялпи ички маҳсулоти 2,5 %и «Яшил» иқтисодиётга ўтиш учун сарфланса, етарли бўлади ва «Яшил» иқтисодиёт самарадорлиги дунёда камбағалликни қисқартиришда халқ фаровонлигини оширишда асосий омилга айланди.

Ҳозирги вақтда жаҳон аҳолисининг 49 %и шаҳарда яшайди ва 65-75 % энергия истеъмол қиласи, 75-80 % чиқиндиларни атроф-муҳитга ташлайди. Кўп ҳолларда касалликларни келтириб чиқармоқда, чиқиндиларни ёқиб юборишида атмосфера заҳарланмоқда, уларни кўмиб юборишида тупроқ таркиби ёмонлашмоқда, сув манбалари – дарё, кўллар ифлосланмоқда, ҳисобкитобларга қараганда (ЮНЕП халқаро ташкилот

экспертлари берган хulosалар натижасида) жаҳон ЯИМ 15-25 % йўқотилмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг «Яшил» иқтисодиёт тизимиға ўтиш борасида биргина электр энергиясидан фойдаланиш борасида оддий лампочкаларни светодиод лампочкаларга ўтказиш натижасида кутилаётган иқтисодий самарадорлик 2 трлн. доллар бўлиб, атроф-муҳитга ташлаб юборилаётган чиқиндилар ҳажми 11 гига тоннага камаяди, истеъмолга кетаётган нефть ресурслари 1 млрд. баррелга тежалади ва ишлаб турган кўп ҳаражатли электрстанциялар ёпилади.

Ўзбекистон иқтисодиётида фойдаланилаётган технологиялар тежамкор эмас, жуда кўплаб чиқиндилар чиқаради. Масалан, ҳар йили 110 млн. тонна двуокси углерод CO<sub>2</sub> атмосферага ташланади, бунинг натижасида табиий газни экспорт қилиш борасида 4,5 млрд. доллар йўқотиляпти. Кучланиши 500 квт (млн. квт соат/бир йилда) бўлган шамол энергиясига асосланган курилма ИЭС(иссиқлик энергияси станцияси)га нисбатан заҳарли моддаларни атмосферага ташлашдан сақлади. Яъни 750-1250 тонна CO<sub>2</sub>, 8 тонна двуокси олтингугурт, 6 тонна чанг тутун ва 70 тонна кул-кукунларни атмосферага чиқаришдан сақлади. Бугунги кунда Ўзбекистонда (Тошкент шаҳрида) қаттиқ уй хўжалиги чиқиндиларини тўплаш, қайта ишлаш ва улардан маҳсулот тайёрлаш бўйича 8 та кластер ишга тушиб, йилига қуввати 146000 тонна, кунига 400 тонна хўжалик чиқиндиларни қайта ишловчи завод ишга тушди. Қорақалпоғистонда йилига 78000 тонна чиқиндини қайта ишловчи корхона қурилди. Навоий шаҳрида кунига 200 тонна чиқиндини қайта ишловчи завод ишга тушди. Бундан ташқари Ўзбекистонда 186 полигон ишга тушиб, буларга 34 млн. тонна чиқинди ерга кўмиляпти [14]. Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда бир дехқон 10-13 та одамни боқаётган бўлса, “яшил иқтисодиёт”га ўтган давлатлар – Швеция, Финляндия ва Жанубий Кореяда 1 дехқон 50-60 та одамни боқмоқда[15].

Шуни айтиш лозимки, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришда етакчи роль ҳали ҳам ривожланган мамлакатлар ҳукуматларига тегишли. Шундай қилиб, 2016 йил бошида 173 та давлат қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш мақсадларини белгилаб олди ва 146 та мамлакат ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб борди.

Европада бугунги кунда экологик тоза манбалардан энергия ишлаб чиқариш соҳасида етакчи Германия ҳисобланади. Германия ҳукумати Япониянинг «Фукусима-1» АЭСидаги авариядан сўнг қайта тикланадиган энергия манбаларига жуда катта маблағ тикиди. Кейинчалик

канцлер Ангела Меркел раҳбарлигидаги ҳукумат 2022 йилгача Германиянинг барча 17 та атом электр станцияларини босқичма-босқич ишдан чиқаришга, яъни тугатишга қарор қилди. Шунингдек, қайта тикланадиган энергия мамлакатнинг энергия импортига боғлиқлигини камайтиради ва иқтисодиётнинг ушбу секторидағи монополияларга қарши курашишда ёрдам беради, деб тахмин қилинган. 2014 йилда шамол, қуёш, биомасса ва сув Германияда ишлаб чиқарилган барча электр энергиясининг 26,2 фоизини таъминлади ва бу кўрсаткич бўйича биринчи маротаба саноатнинг анъанавий етакчиси – 25,4 фоизни ташкил этган қўнғир кўумир улушидан ошиб кетди. Баъзи экспертларнинг фикрига кўра, 2030 йилга келиб, мамлакат барча энергия ёқилғиларидан, шунингдек, ядро энергияси манбаларидан узоқлашиб, қайта тикланадиган энергия манбаларига тўлиқ ўтиши мумкин. Германия 2025 йилга келиб, қайта тикланувчи энергия манбаалари, масалан: қуёш, шамол ва сув асосида ҳосил қилинадиган электр энергия ишлаб чиқариш қувватини 147,4 гига ваттгача етказишни мақсад қилган.

АҚШ, Канада ва Мексика ҳам яшил энергия соҳасида тезликни оширмоқчи – 2025 йилгача улар Шимолий Америкадаги барча энергиянинг ярмини қайта тикланадиган манбалардан олишин режалаштирум оқда. Айни пайтда улар АҚШ, Канада ва Мексикада энергия ишлаб чиқаришнинг 37 фоизини ташкил этади.

Ирландия шу йилнинг январь ойида тоза энергия ишлаб чиқариш бўйича рекорд ўрнатди. Маҳаллий шамол генераторлари бир неча соат давомида 2,8 минг МВт қувват ишлаб чиқарди. Ушбу ҳажм 1,2 миллион хонадонни электр энергияси билан таъминлаш учун етарли бўлади.

Шундай қилиб, Халқаро қайта тикланадиган энергетика агентлиги (РЕС) таҳлилчилари глобал энергия балансидаги ўз улушкини икки баравар кўпайтириш 2030 йилга келиб, жаҳон ЯИМни 0,6-1,1 фоизга кўпайтиради, шунингдек, ушбу соҳада 24 миллион иш ўрни яратилишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар. Ялпи ички маҳсулотга ушбу ижобий таъсир Австралия, Бразилия, Германия ва Жанубий Африка каби мамлакатларга инвестицияларнинг кўпайиши билан боғлиқ. Ушбу инвестициялар бутун дунё иқтисодиётига “тўлқин” таъсирини кўрсатади: қайта тикланадиган энергия манбаларининг ривожланиши энергия ускуналарини ишлаб чиқаришга, шунингдек, хизматларни етказиб беришга таъсир қиласди. Бозорнинг ривожланиши қайта тикланадиган энергетика обьектлари учун ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайишини англатади, анъанавий ёқилғи савдоси эса астасекин камаяди. Баъзи ривожланаётган мамла-

катлар сүнгги йилларда қайта тикланадиган энергия ускуналари экспортини сезиларли даражада ошириди. Масалан, Хитой 2016 йилга қадар умумий қыймати 10 миллиард доллардан ошадиган күёш батареяларини етказиб берди.

Бугунги кунда Венгрия, Финляндия, Чехия, Словакия, Болгария каби мамлакатлар қымматга тушувчи қайта тикланувчи энергия манбаларини, ёки бўлмаса, атроф-муҳитни ифлослантирадиган кўмир генерациясини танлаши керак.

Ўн йил олдинги ҳолат билан таққослаганда, бугунги кунда технологияларнинг ривожланиши қайта тикланадиган энергетика обьектларини қуриш нархини сезиларли даражада камайтириши мумкин. Масалан, Bloomberg New Energy Finance (BNEF) маълумотларига кўра, агар 2009 йил бошида саноат шамол турбиналарининг ўртача нархи бир мегаватт учун 1,94 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу нарх 1,03 миллионгacha тушиб кетди. Шу билан бирга, анъанавий энергетика иншоотлари эскирган: Халқаро энергетика агентлиги томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, 2045 йилга келиб, дунё миқёсида ишлаб чиқариш қувватларининг деярли учдан бир қисми уларнинг ишлаш муддатини тугатади ва бу қувватларни бошқа ҳажмлар билан қоплаш керак бўлади.

Бундан ташқари (BNEF) хабар беришича, технологиялар жадал ривожланиб бораётганлиги сабабли электр энергиясига бўлган талаб 2050 йилга қадар 62 фоизга кўпаяди. Бу шуни англатадики, бу йилга қадар энергия ишлаб чиқариш уч баравар кўпайиши керак. Шу билан бирга, дунёнинг аксарият мамлакатларида қўёш ва шамол энергиясига ўтиш энг тежамли вариантини англатади. Дастрлабки маълумотларга кўра, 2050 йилда электр энергиясига бўлган талабни қондириш учун тахминан 13,3 триллион долларлик сармоялар талаб қилинади, шундан 5,3 триллион доллари қўёш энергиясидан ва 4,2 триллион шамолдан олинади.

Худди шу прогнозларга кўра, 2050 йилга келиб, дунёдаги кўмирнинг ўрни ҳозирги 37 фоиздан 12 фоизгача пасайди ва нефтни ёқилғи сифатида ишлатиш минималлаштирилади. Шамол ва қўёш энергиясини ишлаб чиқариш 7 дан 48 фоизгача кўпаяди, сув, табиий газлар ва атом энергияси тахминан бир хил даражада қолади.

ИЕА ва Жаҳон банки маълумотларги кўра, дунёда 1,1 миллиарддан ортиқ одам электр энергиясидан маҳрум бўлган шароитда яшайди – бу дунё ахолисининг 14 фоизини ташкил этади. Шунингдек, 2,6 миллиард одам ҳали овқат пишириш ва иситиш учун олов ёқишга мажбур. Дастрлабки ҳисоб-китобларга кўра, расман 2030

йилга келиб деярли ўзгармайди: 1 миллиард одам ҳали электр энергиясидан фойдаланиш имкониятга эга бўлади ва 2,5 миллиард одам биоёқилғига содиқ қолишида давом этади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишида асосий турткى ҳисобланади. Углеводород хомашёсини қазиб олиш ва улардан фойдаланиш атроф-муҳит учун катта миқдордаги но мақбул оқибатларга олиб келадиган бўлса (масалан, ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиши), қайта тикланадиган энергия ускуналари атмосферага салбий чиқиндилар чиқармайди. Шамол ва қўёш энг тоза ва барқарор қайта тикланадиган энергия манбаларидан биридир. “Қайта тикланадиган” атамаси шуни кўрсатадики, бундай энергия манбалари нефть қудуклари ва табиий газ конларидан фарқли ўлароқ, йўқолмайдиган энергия манбаидир. Бу қазилма ёқилғига муносиб алтернатив бўлади.

XXI асрнинг энг жиддий экологик таҳдидларидан бири углерод гази, яъни инсон фаолияти натижасида ҳосил бўлган барча иссиқхона газлари чиқиндиларининг йигиндишидир. XX асрда саноат миқёсида нефть қазиб олиш ҳаёт даражасига сезиларли таъсир кўрсатди ва жаҳон иқтисодиётини тубдан ўзgartирди. Шу билан бирга, атроф-муҳит ҳолати кескин ёмонлашишига сабаб бўлди. Табиат ўз-ўзини такрор ишлаб чиқарувчи, тартибга соловчи тизим, у сарфланган табиий ресурсларни ўзи такрор ишлаб чиқаради ва унга ташланган ва чиқарилган ифлослантирувчи заҳарли моддаларни ўзи зарарсизлантириб, экологик мувозанатни доимо сақлаб туради. Бугунги табиат айнан шу хусусиятини йуқотди ва унда турли хил инқирозли ҳолатлар содир бўлиб, барқарор иқтисодий ривожланишга экологик чекловлар қўйилмоқда. Инсоният тўтовсиз ўсиб бораётган турли хил эҳтиёжлари билан уларни тўла-туқис қондиришга қодир бўлмаган биосфера имкониятлари ўртасида тобора кучайиб бораётган қарамақаршилик билан тўқнашмоқда. Углероднинг ифлосланиши бутун сайёрамиздаги табиий оғатлар частотасининг хавфли ўсиши ва бизнинг иқлимимиз мувозанатидаги қайтарилмас ўзгаришларга олиб келади, бу эса бошқа нарсалар қатори инсон саломатлигига бевосита таъсир қиласи (яъни даволаб бўлмайдиган “рак” туридаги касалликлар). Углерод изини камайтириш дунёнинг энг илғор мамлакатларида давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Шу мақсадда энергия тежайдиган ишлаб чиқариш рафбатлантирилади ва экологик дастурлар қабул қилинади ҳамда истеъмол фалсафаси сезиларли даражада ўзгаради.

Америка шамол энергетикаси ассоциациясининг маълумотларига кўра, 2018 йилда ша-

мол турбиналари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси атмосферага таҳминан 200 миллион тонна CO<sub>2</sub> чиқиндилари чиқишининг олдини олди: ўртача 43 миллион автомобиль йилига бир хил миқдордаги карбонат ангиридан чиқаради. Бундай қурилмалардан фойдаланиш сувдан фойдаланишни англатмайди, демак, бу сув ресурсларидан фойдаланишни камайтиради.

АҚШ шамол энергетикаси мамлакатдаги энг тез ривожланаётган қайта тикланадиган энергия саноати ҳисобланади. 2020 йилнинг январидан декабригача шамол энергияси 337,5 тераватт-соат ёки Кўшма Штатларда ишлаб чиқарилган барча электр энергиясининг 8,42 фоизини ташкил этди. 2019 йилда шамол энергияси АҚШда ишлаб чиқарилган энг йирик қайта тикланадиган энергия манбаи сифатида гидроэнергетикадан ўзиб кетди. 2021 йил январъ ҳолатига кўра, АҚШда шамол энергиясининг умумий ўрнатилган қуввати 122,478 МВтни ташкил этди, бу Хитой ва Европа Идтифоқидан кейин учинчи ўринда туради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, «яшил иқтисодиёт» минтақавий ривожланиши, ижтимоий барқарорликка эришишни, «яшил иқтисодиёт» тармоқларида янги иш ўринлари яратилиши орқали иқтисодий салоҳиятни оширишни рағбатлантиради. «Яшил иқтисодиёт», асосан, иқтисодий тараққиётга ёрдам беради ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини, мамлакат даромадларини оширишни, аҳолини иш билан таъминлаш, мамлакатда ишсизлик даражасини пасайтиришни таъминлайди. Шу билан бирга, «яшил иқтисодиёт»га ўтиш иқлим ўзгариши, фойдали қазилма минералларнинг йўқолиши ва сув ресурсларининг танқислиги каби глобал таҳдидлар хавфини камайтиради. Аммо бутун жаҳон ривожланишини олиб қаралса, унинг умумийлик хусусияти намоён бўлади, яъни бугунги дунё цивилизацияси куч тўплаган, ўз қудратининг энг юқори нуқтасига етган вақтда жаҳоннинг барча мамлакатлари иқтисодий ривожланишда экологик йўналтирилган модель танланмас экан, глобаллашув шароитида бутун сайдеранинг аста-секин таназзулга юз тутиши ва бутунлай йўқ бўлиб кетишгacha бориш хавфи юзага келади, деган ҳолосага келишимиз мумкин.

**Ҳолоса ва таклифлар.** Ўзбекистон Республикаси энергетикасида бугунги кундаги вазият бирмунча оғир ҳолда ўрнатилган қувват ҳужжатда 12 ГВ ни ташкил этса-да, амалда 10 ГВ мавжуд, республика эҳтиёжи эса 15-20 ГВт қувватни талаб қилмоқда.

Авваламбор, ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб борадиган электр энергия йўқтишларининг олдини олиш зарур. Масалан,

хориж давлатларида йўқотиш 5 фоизни ташкил этади, Ўзбекистонда эса 20 фоизни.

Холоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда шамол энергияси, сув энергияси ва қуёш энергиясига қилинган инвестициялар шунга олиб келадики, Ўзбекистон учун зарур бўлган электр энергиясини эҳтиёжимиздан 6 марта кўп ишлаб чиқариш имконияти вужудга келади. «Яшил иқтисодиёт»ни молиялаштиришига бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятлари мавжудлиги, жадал ўсиш ва капитал бозорининг «яшил иқтисодиёт»га йўналтирилганлиги ошиб бориши, углеродли молиялаштириш ва микромолиялаштириш каби бозор дастакларининг ривожланиб бораётгани ҳамда охирги йиллардаги иқтисодий пасайшига жавобан фонdlар глобал «Яшил» иқтисодиёт ривожланишига қаратилган «Яшил» иқтисодиёт иқтисодий ислоҳотларини кенг миқёсли молиялаштириш имконини тақдим этмоқда. Аммо ушбу оқимлар инвестицияга бўлган эҳтиёжлардан анча кам. Шу сабабли яқин вақт ичida «Яшил» иқтисодиётга ўтишнинг «яшил иқтисодиёт»га инвестициялар оқимини оширишда хусусий инвестициялар учун қулай инвестицион муҳим яратиши лозим бўлади. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириша хусусий сектор учун давлат томонидан «яшил иқтисодиёт»ни қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи сиёсий, молиявий ва солиқ дастакларини қўллаши самарали ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг «яшил» иқтисодиёт стратегияси таркибидан ўрин олган масалалар:

- ижтимоий, иқтисодий соҳаларда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш;
- уй-жой-коммунал хўжаликларида энергия самарадорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигида органик маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини (канализацияларни қўпайтириш йўли билан) тўла-тўқис қондириш (Ўзбекистонда сўнгги беш йилда аҳоли сув таъминотини яхшилаш бўйича 10 триллион сўм ёки олдинги йилларга нисбатан 5 баробар маблағ кўп сарфланди, 6,5 миллион аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Келгуси беш йилда 40 триллион сўм сарфланади, аҳолини сув таъминоти 90 фоизга етказилади);

- «Яшил» транспортни шакллантириш ва ривожлантириш;
- «Яшил» бизнесни қўллаб-қувватлаш, «яшил» фирмаларни солиқдан озод қилиш;
- Экологик «яшил» пластик карталарни ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий қилиш;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнларда экологик бошқарув тамойилига ўтиш;

— “Яшил” солиқ тизимини жорий қилиш.

“Яшил” иқтисодиётнинг глобал миқёсда ривожланиб боришида инсон соғлиги билан боғлиқ бўлган омилларга эътибор кучайиб бормоқда. Кейинги йилларда давлатларда (Швеция, Сингапур, Жанубий Корея, Дания, Швейцария ва ш.к.) иқтисодий ва ижтимоий тармоқларни “яшил” молиялаштиришда иқтисодий самарадорлик ва экологик мувозанатга (“икки ютуқ” – win-win policy) эришиш кўзда тутилади. Бу экологик мувозанат атмосферага чиқарилаётган заҳарли чиқиндиларни камайтириш, углерод нейтралликка эришиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, кам чиқиндили ишлаб чиқаришга ўтиш жараёнидир. Шу мақсадга эришишда иқтисодий ва экологик сиёsat уйғунлашади.

Шундай қилиб, «Яшил» иқтисодиёт концепциясини самарали амалга оширишдаги бош

муаммо энергия ва ресурсларни тежайдиган “яшил” технологиялар, муқобил энергетикани ривожлантириш ва “яшил” бизнес, “яшил” тадбиркорликни оммалаштиришга қўшимча инвестициялар киритиш ҳисобланади. “Яшил” иқтисодиётга ўтишнинг долзарблигини илмий асослашнинг мураккаблиги, экологик муаммоларни башорат қилишнинг юқори даражада ноаниклиги ушбу концепцияни тушунарли, содда тарзда тушунтиришда қийинчиликлар туғдиради. Масалан, жаҳонда иссиқхона газларини CO<sub>2</sub> атмосферага чиқариш муддати ва даражасини пасайтириш бўйича ягона келишув йўқ. Иссиқхона газларини атмосферага чиқариш миқдори ортиб бормоқда. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш концепцияси ҳар бир мамлакат учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда содир бўлади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бобилев С.Н., Кирюшина П.А., Кудрявцева О.В. Зеленая экономика и цели устойчивого развития для России. МГУ им.М.В.Ломоносова 2019, с. 283.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланишини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 841-сонли қарори.
3. David William Pearce, Anil Markandya, Edward Burr Barbier, Edward Barbier Blueprint for a Green Economy London: Earthscan, 1989. – 192 р.
4. Башорина О.В., Темкина И.М. Переход к “зеленой” Экономике как фактор устойчивого развития и преодоления бедности. – Урал, 2012. – 201 с.
5. Неверов А.В., Водопьянова Т.П. Экономика природопользования. – Минск, 2019. – 117 с.
6. “Зеленая” экономика-главный тренд нового есятилетия. – М., 2021. С. 7-13.
7. Яшалова Н.Н. “Зеленая” Экономика: региональный аспект. – Санкт-Петербург, 2014. – 194 с.
8. Пискунов Н., Пахомов Н.В. Анализ мирового опыта перехода к “зеленой” Экономике. – М., 2022. – 213 с.
9. Вахобов А.В. ва бошқ. “Яшил” иқтисодиёт. Дарслик. – Т., 2020. – 295 б.
10. Транспорт департаменти статистикиси. 2021 йил январь ҳолати. – 167 б.
11. Инфографика: 40 самых зеленых стран мира индекс экологической эффективности. 2021. – 39 с.  
<https://www.vokrugsвета.ru/articles/infografika-40-samykh-zelenykh-stran-mira-id653357/>
12. “Зеленые” решения для бизнеса. – М.: Экоэра, 2022. Стр. 17-21.
13. “Инновациялар иқтисодиёти” журнали. – Лондон, 2020 й. С. 67.
14. 2011 йил ЮНЕП ташкилоти ҳисоботида
15. Экологические проблемы Узбекистана. Экология. <https://evolyelium.com>. 2021.
16. “Зеленая” экономика: определение и современная модель. – Вестник УФУ, 2020 г. С. 14-17.
17. Анализ мирового опыта перехода к зеленой экономике. – М., 2021 г. – 76 с.
18. Введение в зеленую экономику. Монография. Коллектив-авторов. – Казань, 2020 г. С. 33.
19. Экономические механизмы и условия перехода к зеленой экономике. – Санкт-Петербург, 2019 г. – 71 с.
20. Зеленая экономика. М.Г.У. – М., 2019 г. С. 97.
21. Ismanov I.N. Modern Threats and Environmental Problems in the Context of Economic Globalization. International Journal on Integrated Education. Volume 5, Issue 12. Dec. 2022. P. 314-319.



### **МАКРОДАРАЖАДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ БЎШЛИФИ**

**Юсупов Жасурбек Олимжонович -**  
Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт  
мустақил тадқиқотчиси

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a4](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a4)

**Аннотация.** Қўшилган қиймат солиғи бўшлиғи дунё иқтисодиётида қўпроқ ўрганилаётган соҳалардан бири бўлган вақтда, ушбу тушунчани Ўзбекистонда ҳали ўрганилмаган, қонунчилик ёки илмий адабиётларда учрамайдиган термин сифатида баҳолаш мумкин. Шу сабабдан, ушбу мақолада “Қўшилган қиймат солиғи бўшлиғи” тушунчасининг оддий ва мураккаб таърифи, унинг ёйилмаси ҳақида сўз боради. Солиқ бўшлиғи асосан тасвирий чизмалар ёрдамида ёритилади ва бу ўз навбатида, фойдаланувчиларнинг тушунишини осонлаштиради.

**Калим сўзлар:** қўшилган қиймат солиғи, қўшилган қиймат солиғи бўшлиғи, солиқ қонунчилигига амал қилиш, потенциал йиғим, амалдаги йиғим.